

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

М.Ҳайдаров	
Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий муаммолар: ишчилар норозилигининг сабаблари ва	
моҳияти.....	101
Т.Ахмедов	
Фуқаролар фаоллигини оширишда телевидениенинг ўрни	106
Ғ.Раҳмонов	
Мустақиллик йиллари Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида амалга оширилган	
ислоҳотлар ва уларнинг натижалари.....	110
С.Ахмедов	
Абдураззок Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” асари	
темурийлар давридаги маданий-маърифий жараёнлар тавсифи бўйича қимматли	
манба сифатида.....	115
Р.Расулова	
Туркистонга татар “сафарбарлик”лари хусусида	121
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
А.Сабирдинов, Д.Муратова	
Ўзбек-корейс халқ оғзаки ижодида оила ва оиласвий қадриятлар масаласи	126
Э.Жабборов	
Ўзбек миллӣ адабиётида маърифатпарварлик қарашларнинг такомиллашуви.....	131
Б. Абдураҳмонова	
“Қутадғу билиг” асарининг вазн хусусиятларини ўргатиш.....	138
ТИЛШУНОСЛИК	
Ғ.Хошимов, Н.Комилова	
Турли тизимли тилларда “Гендер” концепти ва уни воқелантирувчи воситалар	
майдонининг қиёсий тадқиғи	144
Н. Умарова	
Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида “Олтин” концептининг фрейм	
структураси.....	149
Г.Розикова	
“Девону луготит турк”да сўз маъносининг метонимия асосида кўчиши	155
А.Базарбаева	
Инглиз тили дарслекларида машқлар тақдимотининг назарий асослари	160
Д.Рахматуллаева	
Шарқ мутафаккирларининг ғоялари ва “Илм-маърифат” семемали бирликлар.....	164
Б.Баҳриддинова	
Замонавий ўқув лугатларининг таркибий тузилмаси хусусида.....	167
Н.Суярова	
Оламнинг лисоний тасвири ва “Белги” денотатив семали метафораларнинг	
шаклланиши	172
Б.Сулаймонов	
«Теорема» романининг лексикографик тадқиқи.....	176
ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ	

Ф.Тошпўлатова	
Чет тилини ўрганиш учун ўқув материалларини танлаш ва ишлаб чиқиш	
тамоийллари	180
Г.Сайдова	
Бошлиғич синфларда инновацион технологияларни қўллашнинг шакл ва	
воситалари	184
ИЛМИЙ АХБОРОТ	
Л.В.Гормонов, Б.З.Зарипов, А.А.Грусдков, В.А.Каримов	
Физиологик шароитларда каламушларнинг ингичка ичагида озуқа	

УДК:

ФУҚАРОЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ ТЕЛЕВИДЕНИЯ В ПОВЫШЕНИИ ГРАЖДАНСКОЙ АКТИВНОСТИ

THE ROLE OF TELEVISION IN RAISING ACTIVITY OF POPULATION

Т.Ахмедов¹

¹Т.Ахмедов

Жиззах давлат педагогика институти, доцент в.б.,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация

Мақолада телевидениенинг фуқароларнинг фаоллигини оширишдаги ўрни очиб берилган. Хусусан, Ўзбекистон телеканалларида мустақиллик йилларида аҳолида демократик тафаккурни шакллантириш ва сиёсий фаолликни ошириш борасида тайёрланган теледастурларнинг амалий аҳамияти ёритилган. Шунингдек, фуқароларнинг қайси оммавий аҳборот воситаларидан кўпроқ фойдаланиши, бунда телевидениенинг аҳоли ҳаётидаги ўрни социологик тадқиқотлар хуносалари асосида кўрсатиб берилган. Телевидениенинг фуқароларнинг ҳукуқий маданиятини ошириш, уларнинг таклиф ва шикоятларини ёритиши, жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ўрни тадқиқ этилган.

Annotation

В статье рассматривается роль телевидения в повышении активности граждан. В частности, освещено практическое значение телепрограмм телеканалов Узбекистана, подготовленных в годы независимости и направленных на формирование демократического мышления и повышение политической активности населения. Кроме того, на основе результатов социологических исследований показано, какие СМИ чаще всего используют граждане, а также роль телевидения в жизни населения. Исследована роль телевидения в повышении правовой культуры граждан, освещении их предложений и жалоб, осуществлении общественного контроля.

Annotation

A paper discusses the role of television in raising activity of population. Especially, the focus is given to highlighting a practical importance of programmes which are designed to form democratic thinking and raise political activity of population in Uzbekistan. Moreover, the paper indicates what kind of media population prefers to watch more and on the bases of the sociological survey the role of television in the life of population is shown. As well as, the role of television in raising a legal culture of population, highlighting their appeals and suggestions, and realization of social control is studied.

Таянч сўз ва иборалар: оммавий аҳборот воситалари, телевидение, теледастурларнинг педагогик, рекреатив, коммуникатив функциялари, сиёсий онг, сиёсий маданият, ҳукуқий онг, ҳукуқий маданият, сайлов, фаоллик, сўз эркинлиги, мустақиллик, эркинлик, демократия, бозор муносабатлари, тўртинчи ҳокимият.

Ключевые слова и выражения: средства массовой информации, телевидение, педагогические, рекреационные, коммуникативные функции телепрограмм, политическое сознание, политическая культура, правовое сознание, правовая культура, выборы, активность, свобода слова, независимость, свобода, демократия, рыночные отношения, четвертая власть.

Keyword and expressions: mass media, television, pedagogical, recreational, and communicational functions of TV programs, political consciousness, political culture, legal consciousness, legal culture, election, activity, freedom of speech, independence, freedom, democracy, market relations, fourth estate.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилгач, давлат ва жамият ҳаётидаги кўплаб муносабатларни янгидан шакллантириш, фуқароларнинг онги ва қарашларини демократик қадриятлар асосида ўзgartирishiни тақозо этди. Бунинг учун оммавий аҳборот воситалари аҳолига янги демократик жамиятнинг мазмун-моҳияти ва истиқболларини тўғри тушунириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга ҳам қаратиши зарур эди. Шундан келиб чиқиб, телевидение дастурлари мутлақо қайта кўриб чиқилди, шахс, жамият ва давлат ҳаётидаги

ролини ошириш чоралари кўрилди. Журналистлар совет тузуми даврида миллат дардини, унинг чинакам орзу-умидларини, мустақил яшаш учун интилишини ҳаққоний ифодалаш, шу ҳақда рўй-рост ёзиш билан халққа ёрдамлашиб имконига эга эмасдилар[1, 32-33]. Энди эса журналистга ҳаққоний гапириши учун барча имконият яратилган[2].

Телевидениеда демократик руҳдаги дастурларни тайёрлаш жараёни узоқ вақтни олмади. Сўз ва фикр билдириш эркинлиги, давлат ҳокимиятиning очиқлиги,

ТАРИХ

кўп partiya виyl ик, сайловлар билан боғлиқ жараёнлар теледастурларнинг анъанавий мавзуларига айланди. Совет ҳокимиюти йилларида «зангори экран» деганда одамлар, аввало, концерт, бадиий фильм, телеминиатюра, телеспектакль сингари маданий ҳордиқ чиқариш омилларини тушунарди. Чунки тоталитар жамиятда жиддий сиёсий-иктисодий ҳолат, мавжуд муаммоларни таҳлил этиш мумкин эмасди. Телевидение маданий дастурлар, қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар, коммунистик мағфурага йўғрилган лавҳаларни томошабинга етказишга уринар эди. Ўша вақтдаги дастурларнинг сифати, бадиий маҳорат масалалари бошқа масала. Аммо биз эътибор бераётган жиҳат шундаки, телевидение дастурларида мавзулар алмашинуви юз берди. Муаммоларга ёндашишда эркинлик ва демократик руҳдаги муносабат шаклана бошлади. Мустақилликнинг бошлариданоқ, Орол денгизининг фожиаси, ёшлар тарбиясидаги салбий ҳолатлар, жиноятчилик каби мавзуларда кўплаб маҳсус кўрсатувлар берила бошланди[3, 2-3].

Ўзбекистонда телевидение жамиятдаги барча соғлом, ижодий кучларни сафарбар этиш ва бирлаштиришга хизмат қилиши, инсон шаъни, қадр-қиммати, қонуний хукуклари ва эркинликларини, миллатлароро ва динлароро ҳамжиҳатликни таъминлаши зарурлиги белгиланди. Миллий-тариҳий анъаналарни ҳаққоний ва холисона ёритиш, республика ахолисини ва, айниқса, ўсиб келаётган авлодни маърифатпарварлик, умуминсоний қадриятларга муҳаббат, таълимга, маданият ва хуқуқий билимдонлика иштиёқ руҳида тарбиялаш алоҳида вазифа қилиб қўйилди. Мавжуд муаммо ва камчиликларни муҳокама қилиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, фан ва техника соҳасида тараққиётни жадаллаштиришга, хўжалик юритишнинг янги иқтисодий усулларини жорий этишга кўмаклашиш, халқаро ҳаётни ёритиш, яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш ишида фаоллик кўрсатиш ва бошқа вазифалар телевидение фаолиятининг асосий йўналишларига айланди[4].

Телевидение фуқаролар хуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Энг аввало, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ кишилар муаммоларини ёритишга эътибор берилди[5, 34]. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларидан тўғри фойдаланиши учун хуқукий маданиятни оширишга қаратилган

дастурлар тайёрланди. Бу борадаги ютуқлардан яна бири – «O'zbekiston-24» телеканалида ilk бора информацион дастурлар тўғридан-тўғри онлайн тарзда эфирга узатилди. 2016 йилнинг охирига келиб, «O'zbekiston» телеканали «Муносабат», «Халқаро пресс-клуб» ток-шоулари ҳам илк бора тўғридан-тўғри трансляциясини амалга ошириди. Аммо телеканаллардаги информацион дастурларнинг барчаси ҳам муваффақиятли чиқди, деб бўлмайди[6]. Ёки нодавлат телеканалларда ҳам бу борада бир қатор кўрсатувлар эфирга берилди. Хусусан, Марғилон телевидениесининг «Фармон ва ижро», «Сизни қизиқтирган мавзу», «Долзарб мавзуда сұхбат», «Адолат мезони», «Солиқ департаменти», «Журналист суриштируви», «Qo'qon» телеканалининг «Шахсий фикр», «Интервью»[7, 285-286, 301], «S-Iqbol» телеканалининг «Мулқдор», «Қонун ҳимоясида» [8], каби кўрсатувларида фуқароларнинг хукукларини таъминлаш, бандлик, уюшмаган ёшлар муаммолари муҳокама қилинди[9].

Шу ўринда фуқаролар томонидан ОАВда ёритилаётган ахборотларга нисбатан билдирилган муносабатни келтириш муҳим. Таҳлиллардан маълум бўлдики, аҳоли учун ахборотнинг тезкорлиги билан бирга, унинг холислиги, ҳалқ манфаатлари учун хизмат қилиши зарур. Ўтказилган тадқиқотларда аниқланишича, 2015 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда сўровномада иштирок этган респондентларнинг деярли чорак қисми миллий ОАВни тавсифлашда «тезкорлик» (24%), «аниқлик (холислик)» (16%), «ҳалқ манфаатлари учун хизмат қилиш» (13%), «адолатлилик» (13%), «маълумотга бойлиги» (12%), «мустақил фаолият» (12%) каби сифатларни қўллаган[10, 45]. Бу холоса телевидениега ҳам тааллуқли. Фуқаролар онгida ахборотнинг холислиги, ҳалқ манфаатларига хизмат қилиши ва адолатлилиги каби баҳони яхшилаш учун теледастурларда танқидий таҳлилни кучайтириш зарур бўлди. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан телевидениеда танқидий таҳлилни кучайтириш, мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш зарурлиги белгилаб берилди[11]. 2016 йилдан бошлаб телевидениеда танқидий ёндашувга эътибор кучайди. Телевидениенинг таъсир кучи берилаётган материалларнинг тезкорлигига, таҳлилий даражасига боғлиқ[12, 118-119].

Хукуқий-демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бири қонун устуворлигидир. Қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шарти – қонун тӯғрисида маълумотга эга бўлиш. Фуқароларнинг хукуқий саводхонлиги қабул қилинаётган қонунлар, фармон, фармойиш ва қарорларнинг уларга нечоғлик етиб бораётганлиги билан белгиланади. Шу боис қабул қилинаётган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар телевидение орқали ёритилиб, аҳолининг кенг қатламларига етказилди[13, 115]. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан 2016 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, сўровда иштирок этгандардан 29%и телевидениедан, 23%и матбуотдан, 13%и Интернетдан, 10%и атрофдаги одамлардан, 6%и радиодан қонунчилик тӯғрисида маълумот олишларини билдирган. Бундан кўринадики, телевидение хукукий саводхонлик бўйича тарғибот-тушуниши ишларини олиб боришдаги энг оммабоп (тегишли маълумотни кўп тарқатувчи) манба ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири телевидениеда «хукуқ» ва «хукуқий маданият» мавзулари етарли даражада ёритилаётганлигидир[14, 73-74]. Фақат бугина эмас, фуқароларга тадбиркорлик фаолиятига оид тушуниши ишларида Интернет (16%), босма нашрлар (15%), семинарларда иштирок (13%), бошқа тадбиркорлардан олинган маслаҳатлардан (12%) кўра телевидение етакчилик қилган (20%)[15, 52]. Демак, аҳолининг хукуқий онги ва маданиятини оширишда, мавжуд қонунчиликка амал қилиб фаолият кўрсатишида, фуқароларнинг фаоллигини юксалтиришда, тадбиркорлик кўникмаларини бойитишида ҳам телевидение етакчилик қилган.

Ёки яна бир мисол: Фуқаролик жамияти институти сифатида юзага келган нодавлат телеканаллар фуқароларнинг сайлов жараёни ва номзодлар тӯғрисидаги ахборотларини бойитиш орқали мамлакат тақдири учун яқдил қарорга келиш, давлат ва жамият бошқарувида қатнашиш имкониятини кенгайтирди. Бу нарса, сиёсий партиялар, улар томонидан кўрсатилган номзодлар учун муҳим имконият бўлди. Масалан, 2016 йилда мамлакатимиз сайлов амалиётида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар пулли реклама ташвиқот компаниясини ўтказиш учун нодавлат телеканаллар имкониятларидан фойдаландилар. Хусусан, «Uzreport», «MY5» телеканали имкониятларидан. Бундан

ташқари, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллӣ ассоциациясининг ахборотига кўра, номзодларни қўллаб-куватлаш мақсадида тайёрланган ташвиқот роликлари қайта трансляция қилувчи кабель телевидениеси томонидан 6 та хорижий телеканалда (ҳар бир номзодга 135 дақиқадан), шунингдек, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллӣ ассоциациясининг 11 та маҳаллий телеканалида (ҳар бир номзодга 87,30 дақиқадан) жойлаштирилди[16].

Халқнинг сайловларда номзодлар орасидан муносибини онгли танлаши учун, умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонунлар, референдумга чиқарилган масалалар юзасидан тушуниб овоз бериши учун, ўз тақдирини ўзи белгилаши, сиёсий азму қарорларни ишлаб чиқиши ва фаол қатнашиши учун кенг ахборотга эга бўлиши керак, жамиядга ошкора фикр алмашинуви йўлга қўйилиши зарур[17, 12]. Шу боис сайловларни ёритишда худудларда фаолият кўрсатган маҳаллий телеканаллар ҳам фаол қатнашди. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган озчиликни ташкил қилувчи миллатлар манфаатларини таъминлаш мақсадида сайлов компаниясининг бориши, номзодларнинг сайловолди дастурлари ҳақидаги ахборот давлат тилидан ташқари яна тўртта тилда – қорақалпоқ, рус, қозоқ ва тоҷик тилларида ҳам тақдим этилди. Жисмоний имкониятлари чекланган шахсларни сайлов масалалари юзасидан хабардор қилиш мақсадида янгилик кўрсатувлари ва оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти сурдотаржима билан бирга олиб борилди[16]. Бундай имконият фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёни давом этаётган Ўзбекистонда аҳоли учун муҳим воқеа бўлди.

Эфирга бериладиган теледастурлар орқали фуқароларнинг сиёсий онги ва маданиятини ривожлантириш учун нафақат ахборот етказилади, балки бўлиб ўтаётган жараёнларни таҳлил қилишга, ҳар бир инсоннинг воқеликка нисбатан позициясининг шаклланишига имконият беради. Бу ҳақда гап кетганда ўз-ўзидан телевидениеда минтақа ва ҳалқаро муносабатларга доир сиёсий шарҳлар беришга мўлжалланган кўрсатувларга тўхталиш керак бўлади. Ўзбекистон телевидениеси жаҳондаги воқеаларни ёритиш борасида бирмунча ютуқларга эришди. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида Т. Қоратоев, Н. Муҳаммадиев, А. Мелибоев, К. Турдиалиев ва бошқаларнинг сиёсий шарҳлари

ТАРИХ

фуқароларда бўлиб ўтаётган жараёнларга нисбатан қизиқишни оширди. Бундан ташқари, уларнинг давомчилари бўлган Қ. Каримбеков, Қ. Аъзамов каби журналистлар, сиёсатшунос экспертлар томонидан халқаро воқеалар мөҳияти томошибинларга етказилди [18, 14-16]. «Бугун оламда нима гап?», «Халқаро панорама», «Сиёсий портретга чизгилар», «Дунё воқеалари», «Жаҳон янгиликлари», «Жаҳон», «Етти иқлим садоси», «Тинчлик қадри», «Халқаро шарҳловчилар давраси», «Мувозанат: жаҳон воқеалари таҳлили», «Халқаро ахвол: саволлар ва жавоблар», «Шарҳловчи минбари» каби кўрсатувларда республика, минтақа ва жаҳондаги воқеалар шарҳлаб берилди [19, 34-35]. 2016 йилдан сўнг Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини чуқур шарҳлашга яна эътибор берила бошланди. «O'zbekiston-24» телеканали айнан ана шу мақсадда ташкил этилди.

Хулоса қилиб айтсак, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократия ва фуқаролик жамияти билан боғлиқ қадриятлар телевидениеда олиб борилган фаол тарғибот натижасида аҳолининг онгу дунёқарашида

мустаҳкамланди. Сўз ва матбуот, дин, виждон, эътиқод эркинликлари, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирок этиш имкониятининг юзага чиқишида, миллий ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланишида телевидениенинг ҳам муносиб ўрни бор. Энг асосийси, «мустақиллик», «эркинлик», «демократия», «бозор муносабатлари» каби тушунчаларни фуқаролар онгига сингдиришда, уларда ватанпарварлик, миллий ва диний бағрикенгликни қарор топтиришда самарали фаолият кўрсатди. ОАВ, хусусан, телевидение фуқароларнинг хуқуqlари, эркинликлари ва манбаатларини ифода этиш учун ҳокимият органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Ўзбекистонда ҳам телевидение фуқароларга ўз фикрини баён этиш ва сўз эркинлигини таъминлашнинг муҳим воситаси бўлди. Фуқаролар телевидение дастурлари орқали қабул қилинаётган қонун ва қарорлардан хабардор бўлдилар, жамоатчилик назорати, муаммолар кенг муҳокамага олиб чиқилди, уларнинг давлат бошқарувидаги иштироки фаоллашди.

Адабиётлар:

1. Пидаев Т. Олий журналистика таълимини такомиллаштириш – замон талаби // Ўзбекистон матбуоти. – 1995. – №4.
2. «Жаноб Президент». Ҳужжатли фильм. «O'zbekiston 24». 2018 йил 29 июль.
3. Ёкубов Г. Давр билан ҳамнафас // Ўзбекистон матбуоти. – 1991. – №2.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 январдаги «Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш давлат Комитетини Ўзбекистон давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантириш тўғрисида»ги Фармони // <http://lex.uz/docs/234646>
5. Иброҳим Нормат. Мели Маҳкамовнинг ижодига бир назар // Ўзбекистон матбуоти. – 1991. – №10.
6. Алламберганова П. Қорақалпоғистон телевидениесининг жанрлари: мавзулар, журналистик ёндашув ва ривожланиш тамойиллари (2000–2006 йиллар). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2007.
7. Раҳимбоев Т. «S – Iqbol» ТВ, истиқболим – истиқболим // Хоразм ҳақиқати. – 2011. – 25 июнь (№51).
8. Фарғона журналистикаси. – Т.: Шарқ, 2012.
9. Аҳмедова Г. «Ruxsor»нинг руҳкорлари // Фарғона ҳақиқати. – 2012. – 27 июнь (№51).
10. Социологик тадқиқотлар ўтказиш бўйича методик (услубий) таклифлар. – Т., 2016.
11. «Ура-урачиллик замони ўтди». Президент телевидение ҳақида// <https://kun.uz/news/2017/03/31/ura-uracilik-zamoni-utdi-prezident-televidenie-akida>
12. Куранбоев Қ., Кўчкоров В. Миллий гоя ва маънавий ҳаёт. – Т.: Маънавият, 2014.
13. Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
14. Фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятнинг хуқуқий маданияти ва ижтимоий фаолплигини оширишга оид Ўзбекистон тажрибаси. – Т., 2016.
15. Социологик тадқиқотлар ўтказиш бўйича методик (услубий) таклифлар. – Т., 2016.
16. http://elections.uz/uzb/events/news/45293/?sphrase_id=1074142
17. Баҳриев К. Оммавий аҳборот воситаларининг хуқуқий асослари. – Т.: Fafur Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
18. Жаҳон воқеалари –«ойнаи жаҳон»да // Ўзбекистон матбуоти. – 1995. – №4.
19. Тўлқин Эшбек. «Дунё дарчаси»дан дарс. Сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков суратига чизгилар // Ўзбекистон матбуоти. – 2001. – №5.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).